УзССР Давлат китоб палатаси
Книжная палата


# Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 167 (8.365) ◆ 1993 йил 20 сентябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


## Президент ҳузурида қабул

**17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикасининг дин ва вақф ишлари вазири, ҳукумат аъзоси Муҳаммад Али Маҳжубни қабул қилди.**

Ислом Каримов Ўзбекистонда буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанд юбилейига бағишлаб ўтказилаётган тантаналарда иштирок этгани учун меҳмонга миннатдорлик билдирар экан, бу байрам бутун ўзбек халқининг дину иймонга, отаболоб хотирасига теран эҳтиром тимсоли эканини таъкидлади.

Муҳаммад Али Маҳжуб Президентга мамлакати раҳбари Ҳусни Муборак жаноби олийларининг дуои саломини етказди.

Суҳбат чоғида иккала мамлакатнинг тиббиёт, мутахассислар тайёрлаш соҳаларидаги ҳамкорлиги, шунингдек, Тошкент билан Қоҳира ўртасида ҳаво йўли очиш масалалари муҳокама қилинди.

Қабул маросимида республика ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги мувақкат ишлар вакили Муҳаммад Абдул Ғани иштирок этди.

(ЎзА).

## БАҲОУДДИН ҚИШЛОҒИДА ТАНТАНАЛАР

**Бухорода, икки кундирки, Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги тантаналари давом этаётир. 17 сентябрь куни эрталаб узоқ-яқин хориждан, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган меҳмонлар Баҳоуддин қишлоғи сари йўл олди.**

Улар Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ва ул пири комилнинг волидайи муҳтарамалари мақбаларини зиёрат қилдилар. Бу ердаги жоме масжидида алломанинг ҳаёти, дин равнақига қўшган улкан ҳиссасига бағишланган давра суҳбати бўлди. Унда машҳур уламою нақшбандшунослар, тарихчилар, ёзувчилар буюк алломанинг ҳаёти ва тариқати, маънавий меросининг бугунги кундаги аҳамияти хусусида гапирдилар. Қуръон қироати танлови ғолиблари зиёратчилар ҳузурида истеъдодини намойиш этди.

Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуи либосига бурканди. Савдо ярмаркалари ташкил қилинди. Музей, халқ санъати кўргазмаси айниқса гавжум бўлди.

Истиқлолимиз туфайли асрий қадриятларимиз тикланаётгани, юртимизда тинчлик, фаровонлик, халқлар дўстлиги қарор топаётганига шукрона айтиб бу ерда қурбонлик қилинди.

Жума намозидан сўнг меҳмонлар Бухоро шаҳрига қайтди. Уларни шаҳарда ҳам турли-туман тадбирлар кутмоқда эди. Марказий ўйингоҳда ҳазрат хотирасига бағишланган халқаро мусобақа қатнашчилари — елкаси ерга тегмаган полвонлар энг улкан соврин—учқур тулпорни қўлга киритиш мақсадида қайта-қайта майдонга тушар эдилар.

Кечқурун Ибн Сино номидаги маданият саройида Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий анжуман бошланди. Йиғин сўнгида санъат усталари зиёратчиларга катта концерт қўйиб берди.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллиги тантаналаридa республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, «Мовароуннаҳр» мусулмонлар диний бошқармаси ҳайъати раиси, муфтий Мухторжон Абдуллоҳ ал-Бухорий ҳамда Бухоро вилояти ҳокими Д. Ёдгоров иштирок этмоқдалар.

* * *

Кеча Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига бағишланган тантаналар ниҳоясига етди.

(ЎзА).



**Шаҳримиздаги бошқа корхоналар қатори Тошкент тўқимачилик ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида бир қатор ўзгаришлар ва асосий ишда силжишлар бўлмоқда. Бунга, энг аввало эски дастгоҳлар ўрнига янгиларини ўрнатиш эвазига эришилаяпти, десак янглишмаймиз. Янги дастгоҳларни бекаму кўст ишлашида, доимий ҳаракатда бўлишида созловчиларнинг меҳнати юксакдир. Буни тўғри тушуниб етган созловчилар бригадаси ҳамиша ўз касбларига меҳр билан ёндошиб, тўқувчи ва йигирувчиларнинг оғирини енгил қилиб туришмоқда.**

**СУРАТЛАРДА: 2-йигирув-тўқув фабрикасига ўрнатилган янги дастгоҳларнинг кўриниши; тажрибали созловчи Адҳам Алиакбаров бузилган дастгоҳни кўздан кечирмоқда.**

**Владимир Грубэ суратлари.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Республика Вазирлар Маҳкамаси 1993 йилнинг 20 сентябридан ун ва нонннинг чакана нархларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бир килограмм ннинг нархи ўрта ҳисобда 60 сўм, қолипда пиширилган нонннинг нархи эса 50 сўм бўлади.

Нархларнинг бундай оширилишига сабаб нима?

Биринчидан, илгари матбуотда хабар қилинганидек, Ўзбекистон донга бўлган эҳтиёжининг фақат 30 фоизини ўзида етиштирилган ғалла ҳисобига қондиради, унинг асосий қисмини эса республика яқин ва олис хориждан ташиб келтиради. Бунда ҳозирги пайтда дон МДҲ республикаларидан жаҳонда белгиланган нархларда, яъни ҳар килограмми учун 125 сўмдан олиб келинади.

Иккинчидан, дон маҳсулотлари корхоналарининг донни қайта ишлашга кетадиган ҳаражатларини ҳисобга олганда, ана шу дондан олинадиган ҳар килограмм ун давлатга салкам 150 сўмга тушмоқда. Шу сабабли ҳатто янги чакана нархлар билан ҳисоблаганда ҳам аҳолига сотилган ҳар бир килограмм ун учун давлат 95 сўмга яқин дотация (қўшимча маблағ) ажратиб беради. Бу маблағ ойига 14 миллиард сўмдан кўпни ташкил қилади.

Нонннинг нархи 50 сўмгача оширилганда давлат бюджетидан ҳар 1 килограмм нон ҳисобига бериладиган дотация миқдори 113 сўмни ташкил этади, республикада сотиладиган нонннинг жами ҳажмига бериладиган дотация эса ойига 8 миллиард сўмдан ошиб кетади, ёки бошқача сўзлар билан айтганда, дотация миқдори икки баравар кўпаяди. Булар нинг ҳаммасига республикага олиб келинаётган доннинг нархи кескин ошганлиги сабаб бўлмоқда.

Иш ҳақини ошириш, транспорт харажатларини, ёқилғи-энергетика ресурслари ва бошқа ресурсларга бўладиган сарф-харажатларни қоплашга кетадиган чиқимлар кўпайганлигини эътиборга олиб, 20 сентябрдан бошлаб сутнинг эркин (шартномавий) чакана нархи бир литри учун 100 сўм, макарон маҳсулотларининг нархи бир килограмми учун 250 сўм, ўсимлик ёғининг нархи эса 300 сўм миқдорида бўлади. Шу билан бирга аҳолини бундай маҳсулотлар билан кафолатли таъминлаш тартиби сақлаб қолинади.

Айни пайтда ҳукумат айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари оширилишини назарда тутиб, иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни кўпайтириш борасида олдиндан чоралар кўриб қўйди. Бундан ташқари мактаб ўқувчилари ва талабалар учун мактаблар ҳамда талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегиримлар сақлаб қолинди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, МДҲнинг амалда барча мамлакатларида ушбу маҳсулотларнинг чакана нархлари республикамизда янги белгиланаётган нархлардан анча юқоридир. Қуйидаги статистика маълумотлари шундан далолат беради.

(1 КИЛОГРАММ УЧУН СЎМ ҲИСОБИДА)

| | Тошкент | Москва | Санкт-Петербург | Минск | Кишинев | Олма-Ота | Бишкек | Душанбе | Ереван |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ун | 60 | 120 | 120 | 500 | 340 | 260 | 130 | 360 | 540 |
| Нон | 50 | 130 | 140 | 70 | 420 | 80 | 140 | 235 | 60 талон билан |
| Сут | 100 | 175 | 175 | 80 | — | 190 | 150 | — | 200 |
| Макарон | 250 | 250 | 260 | 310 | 350 | 530 | — | 300 | 630 |
| Ўсимлик ёғи | 300 | 600 | 660 | 1150 | 400 | 1450 | 1300 | — | 1300 |

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### Б. П. ҚАЮМОВНИ «ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Баҳодир Пўлатович Қаюмов «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 17 сентябрь.

## УЙ ТЎЙИ ЯҚИН

«СОВПЛАСТИТАЛ» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси ишчи ва хизматчилари халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқарган ҳолда корхона хазинасига соф фойда тушумини кундан-кунга кўпайтиришмоқда. Бу эса ўз навбатида ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни уй-жой билан таъминлаш имконини бермоқда. Масалан, яқин бир-икки йил ичида корхона ишчи ва хизматчиларининг уй шароитлари анча яхшиланди.

Маъмурият бу борадаги ишларни янада кенгайтирмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг «Ал-Хоразмий» мавзесида ҳозирги кунда ишчиларга аталган тўққиз қаватли уйда қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу ишни 1-уйсозлик комбинати қурувчилари амалга оширишмоқда.

64 оилага мўлжалланган бинода ҳозир қурилиш-тиклаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бинокорлар умумий сатҳи 4 минг 862 квадрат метрни ташкил этган уйда пардозлаш ишларини ҳам бошлаб юборишди. Бу ишни ҳам юқоридаги комбинат пардозловчилари бажаришмоқда. Улар иморатни шу ой охиригача фойдаланишга топшириш ниятидадирлар. Хуллас, корхона ишчи ва хизматчилари учун уй тўйлари кундан-кунга яқинлашиб бормоқда.

**Ғани ЕСЕНОВ.**

## Бугунги кун нафаси

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуида қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажаришда алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ меҳнаткашларга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» ва «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвонлари берилди. Бир гуруҳ ходимлар эса Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

● Тошкентда ўрмон ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш ҳамда республика ўрмон хўжаликлари маҳсулотларининг кўргазмаси бўлиб ўтди.

● Европа иқтисодий ҳамжамияти вакиллигининг «Тасис» лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламли бир йиллик меҳнати поёнига етди. Бу лойиҳага кўра Тошкент шаҳри ва вилоятида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тақсимлашнинг юқори самарали, пухта тизимини вужудга келтириш кўзда тутилган. Ноябрь ойидан амалга оширила бошланадиган ушбу лойиҳа учун Европа иқтисодий ҳамжамияти 1 миллион экю ажратишни мўлжаллаган.

● Самарқанддаги «Боғи эрам» истироҳат ва маданият боғи ёнида жисмоний тарбия ва соғломлаштириш саройи қад кўтарди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

● Россия хавфсизлик кенгаши мажлисида Президент Борис Ельцин илк бор мамлакатда Президент сайловларини муддатидан илгари ўтказишга розилигини билдирди. Хавфсизлик кенгаши аъзоларининг фикрига кўра, муддатидан илгари Президент сайловларини 1994 йилнинг кузида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ҳокимиятда бўшлиқ пайдо бўлмаслиги учун бунгача парламент сайловларини ўтказиш лозим бўлади.

● Бишкекда Марказий Осиё мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотларининг анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон хотин-қизлар комитетининг раиси Ҳалима Худойбердиева Марказий Осиё мамлакатлари хотин-қизлари конгрессининг ҳамраиси этиб сайланди.

● Алматида буюк қозоқ шоири ва алломаси Абай таваллудининг 150 йиллигига бағишлаб туркий халқлар шеърияти байрами ўтказилмоқда. Унда Марказий Осиё давлатлари адиблари билан бир қаторда Болгария, Хитой, Мўғулистон, Туркия ва бошқа мамлакатлардан ҳам таниқли шоир ва ёзувчилар келишган.

● Абхазиядаги вазият ғоят кескинлигича қолмоқда. Россия мудофаа вазири Павел Грачев Сочида Грузия рахбари Эдуард Шеварднадзе билан ёпиқ эшиклар ортида учрашди. Павел Грачев Москвага қайтиб келгач уюштирган матбуот конференциясида «Грузия томони ҳам, Абхазия томони ҳам можарони тинч йўл билан ҳал қилишни хоҳлашмаётганлигини» айтди. Бугун Сочида грузин-абхаз можаросини ҳал этиш юзасидан музокаралар давом этади.

● Россия космик агентлиги раиси Юрий Коптевнинг берган баёнотига кўра Россия Тинч океанида янги космодром қуришни режаламоқда. Тижорат мақсадларига мўлжалланган йўлдошлар учириладиган бу космодром қурилиши 600—900 миллион долларга тушади. Бу ердан дастлабки ракеталар келгуси асрда учирила бошланади.

● АҚШ долларининг Россия рублига нисбатан қиймати яна кўтарила бошланди. Москва банкларо валюта биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдода АҚШ бир долларининг қиймати 1017 рублга етди.

### ХОРИЖДА

● Кеча Польшада парламент сайловлари бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга кўра демократик сўл кучлар иттифоқи вакиллари бошқа сиёсий партия ва ҳаракатлар номзодларига қараганда сайловчиларнинг кўпроқ овозларини олганлар.

● Фаластин манбалари Фаластин Озодлик ташкилотининг етакчиси Ясир Арафат бошчилигида Фаластин мувақкат ўтиш ҳукумати ташкил этилганлигини хабар бердилар.

● Қоҳирада араб давлатлари лигасининг сессияси очилди. Унда Исроил билан Фаластин Озодлик ташкилоти бир-бирларини тан олганликларидан сўнг юзага келган вазиятда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш истиқболларини муҳокама этиш кўзда тутилган.

● АҚШ Президенти Билл Клинтон Хитойни режаланган ядро қуроли синовини ўтказишдан воз кечишга даъват этди. «Ҳозирги пайтда Хитойга ҳеч ким бирор тарафдан хавф солаётгани йўқ» деди Билл Клинтон.

● Буюк Британия Болқондаги ўз қўшинлари сонини 6 минг нафар аскаргача етказишни мўлжалламоқда. Бу Шимолий Атлантика блокининг собиқ Югославияда НАТО ҳарбий кучларини мустаҳкамлаш режаси доирасида қилиняпти.

● Вьетнам ташқи ишлар вазири Ле Май АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг Вьетнам билан савдо-сотиқни тақиқлаш тўғрисида илгари қабул қилинган қарори яна ўз кучида қолдирилганлиги муносабати билан таассуф билдирди.

● Испанияда шу йил бошидан бери 3 мингтадан кўпроқ корхона синди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиб бораётганлиги бунинг асосий сабабидир.

● Лондонда тўрт нафар жиноятчи қиймати 300 минг фунт стерлинг бўлган 19 тонна тангани юк машинаси билан ўғирлаб кетишди.

## Бугунги кун нафаси

## Силлиқ муқовали дафтарлар

ОЛТМИШ йиллик довондан ошган қоғоз корхонаси ўтган йилдан буён «Ўзбек қоғози» ҳиссадорлик корхонаси деб юритила бошланди. Бу билан фақатгина унинг номи ўзгариб қолмай, аксинча меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси алоҳида эътиборга олиниб, ишлаб чиқаришда янги кўрсаткичларга эришилмоқда.

Ўтган ойдан бошлаб республикамизда мавжуд бўлган янги химикатлар қоғоз тайёрлашда қўлланилмоқда. Уларнинг номи квасси ва полекрамитдир. У кўпроқ ўқув дафтарлари муқовасининг силлиқ чиқишига ва ёзиш жараёнида дуч келинадиган тўсқинликларга қаршидир. Дастлабки синовлар ушбу корхонада муваффақиятли ўтганлиги учун бу химикатлар ҳозир қоғоз ишлаб чиқаришда кенг қўлланила бошланди.

**Гули АБДУЛЛАЕВА.**

## ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўқув-услубиёт марказида техниканинг ёш ижодкорлари кўргазмаларини ташкил этиш яхши анъана бўлиб қолди. Марказнинг «Ёш техниклар ижодкорлиги ва кўргазмалар» бўлими йўли билан уюштирилаётган бундай техникавий тадбирлар томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда.

Навбатдаги кўргазмани очиш учун ҳам катта тараддуд кўрилди. Республикамиздаги билим даргоҳлари ва ёш техниклар станциялари билан бамаслаҳат иш тутилди. Натижада эътиборга сазовор талайгина экспонатлар тўпланди. Улар орасида Андижон вилоятининг Шаҳрихон шаҳридаги 1-мактабнинг иқтидорли ўқувчиси Н. Худойбердиев ясаган «Юк ташувчи вагон» макети айниқса ажралиб туради.

Бундан ташқари иқтидорли ўқувчилар томонидан бунёд этилган «Қишлоқ хўжалик агрегати», «Ўзбекистон пахта терув комбайни», «Қишлоқ хўжалик трактори» сингари агрегатлар ҳам кўргазмага қўйилди.

**Аббос ОДИЛОВ.**

## ТОШКЕНТ МЕТРОСИ: 2000 ЙИЛГА НАЗАР

«Тошметролойиҳа» институти жамоаси метронинг «Юнусобод йўналиши»ни Жанубий темир йўл вокзалигача олиб бориш бўйича лойиҳалаш ишларини тугаллади. Бу янги тармоқ Юнусободни шаҳар маркази ва вокзал билан боғлабгина қолмасдан, олис Сиргали туманини шаҳарнинг бошқа манзиллари билан яқинлаштиради.

Метросозлар ҳозир Юнусобод йўлини қуришяпти, — дейди «Тошметролойиҳа» институтининг директори А. Зокиров. — Аммо, бу— шаҳримиз эҳтиёжларини тўла қондиради деган гап эмас. Шунинг учун ҳам бизга «Юнусобод йўналиши»нинг давомини лойиҳалаш топширилган эди. Йўлнинг бу бўлаги «Ойбек» бекати билан туташ «Лоҳутий» бекатидан бошланиб, Жанубий вокзалгача боради. Олти километрлик масофада тўртта бекат қуришни лойиҳалаштирдик. Улар номланиб ҳам бўлинган. Аэропорт томондаги гавжум чорраҳада жойлашган бекат «Бобур», Тўқимачилар стадиони ёнидаги бекат «Тўқимачи», Волгоград ва Усмон Носир кўчалари кесишган жойдаги бекат «Усмон Носир», сўнгги — вокзал ёнидаги бекат эса «Жанубий» деб аталади. Лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, барча бекатларнинг йўлакларида турли савдо расталарини жойлаштириш ҳам мўлжалланган. Буларга қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, лойиҳачилар энди «Чилонзор» йўналишини узайтириш бўйича иш бошлаб юборганлар. Бу йўналиш «Максим Горький» бекатидан Тошкент трактор заводигача боради.

Хуллас, Тошкентда метро қурилишининг келажаги порлоқ. Қорақамиш ва Қўйлиқ мавзеларига ҳам ерости йўлларини олиб бориш режалаштирилмоқда.

**И. САФАРГАЛИЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Куни кеча Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасида пойтахтнинг деҳқон бозорларида етарли тартиб ўрнатишга бағишланган кенгайтирилган мажлис бўлиб ўтди.**

* *Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасида*

## БОЗОРЛАРДА ОЗОДАЛИК ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА БЎЛСИН

Тадбирлар ўтказиш режасига кўра сентябрь ойининг бошларида санитария-эпидемиология станцияси ходимлари шаҳримизнинг деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уйда тайёрланган маҳсулотларни сотиш пайтида сотувчилар томонидан санитария қоидаларига қандай риоя қилинаётганлигига қаратилган текширувлар ўтказдилар.

Хўш, ана шу текширув натижалари нималарни кўрсатди? Кенгайтирилган мажлисда шаҳар санитария бош шифокори М. Зоиров шу хусусда ахборот бериб, пойтахтимиздаги кўпгина деҳқон бозорлари миллий усулда қайтадан қиёфа касб этганлиги, турли-туман бозор маҳсулотларини сотадиган қўшимча ўринлар бунёд этилганлиги, хусусий мол эгаларининг сотадиган маҳсулотлари сифати юзасидан назорат оширилганлигини айтиб ўтди.

Лекин ижобий далиллар билан бир қаторда ушбу текширув қатнашчилари бир қатор нуқсонларга йўл қўйилаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар. Жумладан, Қўйлиқ даҳасидаги марказий бозорда маиший чиқиндилар тўпланадиган идишлар тўлиб-тошиб кетган. Бозорнинг ҳудудидаги тозалик ва озодалик ҳақида ҳам бирор яхши гап айтиш қийин. Айрим сут маҳсулотлари сотувчилар, новвойларда ўз маҳсулотларини сотишга рухсат берадиган тиббий рухсатномалар йўқ эди. Гўшт дўконларида ҳам айрим нуқсонлар борлиги таъкидлаб ўтилди.

Афсуски, бундай ҳол биргина Қўйлиқ бозоригагина хос бўлмай, балки бошқа бозорларда ҳам шундай нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, Авиасозлар, Миробод, Қўйлиқ бозорининг Рисовая бўлими, Олой, Бешёғоч ва бошқа бозорларда ҳам ана шундай аҳволни кўриш мумкин. Шаҳар бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа хусусий маҳсулотларни сотишда санитария қоидаларига риоя қилмаганликлари учун бир қатор бозорларнинг директорларига катта ҳажмдаги пул жарималари солинди.

Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасининг соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Қулаҳмад Ризаев ўтказган мажлисда ушбу текширув натижалари ҳақида жиддий гаплар бўлди. Унда шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг раҳбарлари, санитария ва ветеринария дезинфекция станциялари хизматларининг раҳбарлари, пойтахт бозоркомлари унда қатнашдилар. Мажлисда шаҳримизнинг марказий бозорларида ва бошқа савдо жойларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа хусусий маҳсулотларни сотишда қатъий тартиб ўрнатиш бўйича якдил фикрга келинди.

Мажлисда Тошкент шаҳар Ҳокими ўринбосари Шуҳрат Жалилов иштирок этди.

## Шароитлари яхшиланади

ЎРТА Осиё темир йўллари бошқармаси маъмурияти ўзларининг ишчи ва хизматчилари учун турар жой биноларини қуришга катта аҳамият бермоқда. Айни пайтда шаҳримизнинг «Ўзгариш» мавзесида уларга аталган учта 9 қаватли турар жой бинолари қад кўтарди. Уйларда қурилиш ишларини Тошкент давлат-ҳиссадорлик қурилиш корпорациясига қарашли 1-уйсозлик комбинатининг азамат бунёдкорлари амалга оширишмоқда.

Қурувчилар умумий сатҳи 15 минг 568 квадрат метрни ташкил этган бу уйларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Қурилиш материалларининг тақчиллигига қарамасдан улар ҳозиргача анча ишларни амалга ошириб қўйишди.

Биринчи уй 108, иккинчи уй 72 ҳамда учинчи уй 36 хонадондан иборат. Бугунги кунга келиб қурилиш майдонларида асосий ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Бир сўз билан айтганда, мазкур учта бино қурилиши сўнгги босқичга кирди. Ҳозир биноларда пардозлаш ишлари бошлаб юборилди. Буни ҳам юқоридаги комбинат пардозловчилари ниҳоясига етказилмоқда.

**Раёс НУЛДОШЕВ.**

*Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТЎҒРИСИДА

## I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти**

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айни бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди.

Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ва ҳокимлар Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга эга бўладилар.

**2-модда. Маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти бошлиғини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш**

Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда халқ депутатлари тегишли вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман, шаҳар ҳокими вилоят ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари орасидан тайинланади ҳамда тасдиқланади.

Шаҳардаги туман, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокими тегишли шаҳар, туман ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда халқ депутатлари тегишли туман, шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туман марказлари ҳисобланган шаҳарларда вилоят ҳокими шаҳар ҳокимини туман ҳокимига бўйсундириш ва ягона бошқарув органи тузиш ваколатига эга. Бу хусусдаги қарор халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари Кенгашларининг ва ҳокимларнинг ваколат муддати — беш йил.

**3-модда. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ва тегишли ҳокимларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинади.

**4-модда. Ҳокимият вакиллик органлари ва ҳокимларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашадилар, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб турадилар.

**5-модда. Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикаси бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими берилган ваколатлари доирасида умум манфаатни ифодаловчи тадбирлар ўтказиш, қўшма корхоналар, хўжалик ташкилотлари тузиш учун, турли тармоқлар ва бошқарув соҳаларида фаолиятларни уйғунлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг, Ўзбекистон Республикаси бошқа вилоятлари, шаҳарлари ва туманларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан шартномалар асосида ўзаро муносабатлар ўрнатишга ҳақлидирлар.

**6-модда. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қиладиган ҳужжатлар**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши қарорлар қабул қилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ҳамда чиқарган ҳужжатлар имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради, башарти ана шу ҳужжатларда ўзга тартиб белгиланмаган бўлса.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар вилоят, туман, шаҳар, ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

## II БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСИ

**7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг иқтисодий асосини ташкил этувчи мулк шакллари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими фаолиятининг иқтисодий асосини маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг давлат мулки (коммунал мулк) ҳамда вилоят, туман, ва шаҳарда мавжуд бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга хизмат қилувчи бошқа мулк ташкил этади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими мутлақ Ўзбекистон Республикаси мулкида бўлган давлат мулки объектларига нисбатан ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни самарали жойлаштириш, табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга оширадилар.

Вилоят, туман, шаҳар мулкини, шунингдек, вилоят, туман ва шаҳарга хўжалик юритиш учун берилган давлат мулки объектларини бошқариш тартиби ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан йўлга солинади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, вилоят, туман, шаҳар ҳокими ўзлари идора қилаётган ҳудуддаги мулкчиликнинг турли шаклига асосланган корхоналар учун Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилмаган, тадбиркорлик ва хўжалик фаолиятини эркин юритишга тўсқинлик қиладиган чекловларни жорий этишга ҳақли эмаслар.

**8-модда. Вилоят, туман, шаҳар мулки**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши давлат мулкини чегаралаш натижасида ўзига берилган ёки қонунларга мувофиқ ўзи сотиб олган объектларга нисбатан мулкдор ваколатларини тўлиқ амалга оширади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг мол-мулки, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондларнинг ва аниқ мақсадга қаратилган фондларнинг маблағлари, вилоят, туман, шаҳар мулкидир. Вилоят, туман, шаҳар аҳамиятига эга бўлган муҳандислик инфраструктураси объектлари ва бошқа объектлар, корхоналар ва бирлашмалар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, фан ва маданият муассасалари, вилоят, туман, шаҳар маблағи ҳисобидан ташкил этилган ёки сотиб олинган, шунингдек улушбай асосларда ташкил этилган ёки сотиб олинган ёхуд халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига бошқа манбалардан бепул берилган қимматли қоғозлар ва молия активлари вилоят, туман, шаҳар мулки бўлиши мумкин.

**9-модда. Вилоят, туман, шаҳар мулки объектларини бошқариш**

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер беришга, бу субъектларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб қўйишга, шунингдек, ерларни олиб қўйишга ҳақли бўлиб, қабул қилинган бу хусусдаги қарорлар халқ депутатлари тегишли Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ер муносабатларига доир бошқа масалаларни ҳал қиладилар.

## III БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСИ

**11-модда. Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари**

Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурсларини бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, аниқ мақсадга қаратилган фондлар, кредит ресурслари, шунингдек республика (вилоят, Тошкент шаҳри) бюджетидан ажратилган субвенциялар ва дотациялар ташкил этади.

Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан биргаликдаги дастурларни, шу жумладан ҳудудлараро дастурларни пул билан таъминлаш учун бошқа вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг молия ресурслари билан шартнома асосида бирлаштирилиши мумкин.

**12-модда. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг бюджетга доир ҳуқуқлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши вилоят, туман, шаҳар бюджети ва унинг ижросига доир ҳисоботларни тасдиқлайди.

Вилоят, туман, шаҳар бюджети лойиҳаларини тайёрлаш, унинг ижросини ҳоким амалга оширади. Бюджет лойиҳаси ҳоким томонидан даромадлар манбаи ва харажатлар йўналишлари кўрсатилган ҳолда тақдим этилади.

Ижроия органларини пул билан таъминлаш бюджетда назарда тутилган миқдорларда амалга оширилади.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари тегишинча туманга бўйсунувчи шаҳар ҳамда шаҳардаги туман бюджетини ва унинг ижросига доир ҳисоботларни ҳам тасдиқлайдилар.

**13-модда. Вилоят, туман, шаҳар бюджетининг даромадлари ва сарф-харажатлари**

Вилоят, туман, шаҳар бюджети даромадларига:

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ олинадиган солиқлар ва йиғимлар;

вилоят, туман ва шаҳарга қарашли мол-мулкни ижарага бериш ёки сотишдан келадиган тушумлар;

қонунларда назарда тутилган ҳолларда вилоят, туман, шаҳар мулки ҳисобланган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг текшириш вақтида аниқланган яшириб қолинган ёки камайтириб кўрсатилган даромадларининг муайян қисми;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бошқа тушумлар киритилади.

**14-модда. Маҳаллий ҳокимият органларининг вилоят, туман, шаҳар бюджетидан ташқари фондлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши:

фуқаролар, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари ва ҳайрияларидан;

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ундириладиган айрим турдаги жарималардан;

бюджетдан ташқари ўзга маблағлардан таркиб топадиган бюджетдан ташқари фондлар ҳосил қилиши мумкин.

Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари банкдаги махсус счётларда туради, уларни олиб қўйиш мумкин эмас, улар тегишли халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорига биноан сарфланади.

**15-модда. Вилоят, Тошкент шаҳар валюта фондлари**

Халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ вилоят, шаҳар валюта фонди ташкил этиш ва улардан халқ депутатлари Кенгашининг қарорларига биноан фойдаланишга ҳақлидир.

## IV БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

**16-модда. Халқ депутатлари Кенгашини сайлаш**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ вилоят, туман, шаҳар аҳолиси томонидан сайланадиган халқ депутатларидан иборат бўлади.

**17-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг сессиялари.**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий иш шакли сессиядир. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сессиялари тегишли ҳоким, ҳоким йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан заруратга қараб бироқ, йилига камида икки марта чақирилади. Сессия шунингдек, халқ депутатлари тегишли Кенгаши депутатлари камида учдан икки қисмининг ташаббусига биноан ҳам чақирилиши мумкин. Кенгаш сессиясини чақириш тўғрисидаги қарордан депутатлар сессия очилишидан камида етти кун олдин хабардор қилинади.

Янги сайланган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси ҳоким томонидан сайловдан кейин кечи билан уч ҳафталик муддат ичида чақирилади ва у кекса депутатлардан бири томонидан очилади. Халқ депутатлари Кенгаши сессияларида ҳоким, у йўқлигида эса Кенгашнинг қарорига ёки ҳоким ўринбосарларининг топшириғига биноан мазкур Кенгашнинг депутатларидан бири раислик қилади.

Халқ депутатлари Кенгашининг ҳар бир сессиясини ўтказиш даврида депутатлар орасидан сессия котиби ёки котибияти сайланади.

Халқ депутатлари Кенгашининг сессияси, башарти унда жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар, Кенгаши сессиясида муҳокама қилинаётган масалалар бўйича очиқ ёки яширин овоз бериш орқали, депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилинади.

**18-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг Иш тартиби**

Халқ депутатлари Кенгаши сессияларини чақириш ва ўтказиш, сессия муҳокамасига масалалар киритиш ва уларни қараб чиқиш, халқ депутатлари Кенгаши органларини ташкил этиш ва сайлаш, уларнинг фаолиятига доир ҳисоботларни тинглаш, депутатлар сўровларини, қарор лойиҳаларини қараб чиқиш, овоз бериш, қарорларни эълон қилиш, сессияга таклиф этиладиган шахслар сонини аниқлаш тартиби, шунингдек депутатларнинг масъулияти ва сессия ишини ташкил этишга доир бошқа масалалар халқ депутатлари Кенгашининг Иш тартибига мувофиқ белгиланади.

**19-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари**

Сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда қараб чиқиш ва тайёрлаш, халқ депутатлари Кенгаши қарорларини ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини рўёбга чиқариш учун кўмаклашиш, ваколатлари доирасида назорат ўрнатиш мақсадида халқ депутатлари Кенгаши ўз ваколати муддатига доимий ва муваққат комиссиялар тузади. Комиссиялар тўғрисидаги Низом тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

**20-модда. Халқ депутатлари Кенгаши фаолиятини ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатлардан таъминлаш.**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатлардан хизмат кўрсатиш тегишли ҳокимлик аппарати томонидан таъминланади.

## V БОБ. МАҲАЛЛИЙ ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ

**21-модда. Маҳаллий ижроия ҳокимиятининг раҳбарияти**

Вилоят, туман, шаҳар ижроия ҳокимиятига ҳоким бошчилик қилади. Ҳоким Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорда биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга бўлади.

Ҳоким ўринбосарлари қоида тариқасида тегишли халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари орасидан тайинланадилар ва тасдиқланадилар.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосарлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Туман, шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Шаҳардаги туман, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳокимнинг ўринбосарлари ҳоким томонидан белгиланган вазифалар тақсимотига мувофиқ иш бажарадилар. Ҳоким йўқлигида ёки у зиммасидаги вазифаларни бажариш имкониятига эга бўлмаган тақдирда унинг ваколатларини биринчи ўринбосар ёки ҳокимнинг топшириғига биноан унинг ўринбосарларидан бири бажаради.

Ҳоким, унинг ўринбосарлари, ҳокимликнинг бошқа ходимлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

**22-модда. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг структура ва штатлари**

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг структураси, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Туман, шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатлари ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари аппаратининг структураси ва штатлари вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари эса юқори турувчи ҳоким томонидан белгилаб қўйилади. Қорақалпоғистон Республикасида туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан белгилаб қўйилади.

**23-модда. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари структура бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш.**

Башарти, қонунларда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг ўзга тартиби белгиланмаган бўлса, ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарлари давлат бошқарувининг юқори органлари билан келишилган ҳолда тегишли ҳокимнинг тақдимига биноан — халқ депутатлари Кенгаши томонидан, сессиялар оралиғидаги даврда эса — ҳоким томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар, бу хусусда қабул қилинган қарор халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Башарти, қонунларда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг ўзга тартиби белгиланмаган бўлса, шаҳардаги туман ёки туманга бўйсунадиган шаҳар ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарлари давлат бошқарувининг юқори органлари билан келишилган ҳолда тегишли ҳоким томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

## VI БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ВА ҲОКИМЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

**24-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий ваколатларига:

ҳокимнинг тақдимига биноан маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини тасдиқлаш;

амалдаги қонунларга мувофиқ маҳаллий солиқлар, йиғимлар, бож миқдорини белгилаш, маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;

ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимга тасдиқлаш, ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимдан озод этиш, уларнинг фаолиятга доир ҳисоботларини тинглаш;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳоким қарорларини тасдиқлаш;

халқ депутатлари Кенгашининг Иш тартибини, халқ депутатлари Кенгаши доимий ва бошқа комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссияларини, бошқа органларини тузиш, сайлаш ва тугатиш, уларнинг таркибини ўзгартириш, улар ишига доир ҳисоботларни тинглаш;

қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда халқ депутатларининг ваколатларини эътироф этиш ва муддатидан олдин тўхтатиш, уларни жавобгарликка тортиш учун розилик бериш;

ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа структуравий бўлинмаларининг ҳисоботларини тинглаш;

халқ депутатларининг сўровларини қараб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

ҳокимнинг ва қуйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш;

ҳокимнинг тақдимига биноан ҳокимлик структурасини, унинг ходимлари штатлари ва иш ҳақи фондини тасдиқлаш киради.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ўз ваколатларига берилган масалаларни, ташкилий масалалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ назорат этишга доир бошқа масалаларни ҳал этади.

**25-модда. Ҳокимнинг ваколатлари**

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими:

қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади;

жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этади;

вилоят, туман ва шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят, туман, шаҳар бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига тақдим этади;

ўз ўринбосарлари ва ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорларни халқ депутатлари Кенгаши тасдиғига тақдим этади;

ҳокимлик девони бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларга, шунингдек юқори турувчи халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорларига зид бўлса бекор қилади ва халқ депутатлари Кенгашига қуйи турувчи халқ депутатлари Кенгашларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритади;

раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг ишини назорат қилади;

халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатларни бажармаганликлари учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритади;

давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир илтимосномаларни қараб чиқади ва таклифлар киритади;

республика ва хорижда вилоят, туман ҳамда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш кўради;

аҳолини қабул қилишни ташкил этади, фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини қараб чиқади.

Ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкини бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофоза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

## VII БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ВА ҲОКИМНИНГ ФАОЛИЯТИДА ҚОНУНИЙЛИКНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

**26-модда. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким фаолиятининг қонунийлигини назорат қилиш**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва Фармойишларига зид келадиган қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бекор қилинади.

Ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ҳукумат ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зид келадиган ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўхтатилади ва бекор қилинади.

**27-модда. Юқори турувчи ҳокимият органлари қарорларининг қуйи органлар учун мажбурийлиги**

Юқори турувчи давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар қуйи органларнинг ижроси учун мажбурийдир.

**28-модда. Ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатлар устидан судга шикоят қилиш**

Ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатлар устидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар судга шикоят қилишлари мумкин.

**29-модда. Ҳокимнинг прокурор протест билдирган қарорлари қайта кўриб чиқилиши мажбурийлиги**

Ҳокимнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларига зид, прокурор протест билдирган қарорлари шу ҳокимнинг ўзи томонидан ёки юқори турувчи ҳоким ёнки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, заруратга қараб эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайта кўриб чиқилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

---

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**«МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:**

1. **«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.**

2. **Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Ҳукумат қарорларини «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин.**

3. **Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:**

**1971 йил 16 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари район Совети тўғрисида»ги (Қонунинг 1980 йил 14 мартдаги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, № 9, 106-модда);**

**1971 йил 16 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги район Совети тўғрисида»ги (Қонунинг 1980 йил 14 мартдаги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, № 9, 107-модда);**

**1980 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари область Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, № 32, илова);**

**Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари ҳамда уларнинг ҳокимият вакиллик идоралари — халқ депутатлари Кенгашлари билан ўзаро муносабатлари асослари тўғрисидаги Муваққат низомни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 4, 215-модда) тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1992 йил 27 февралдаги Қарори.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
**Ш. ИЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

*Навоий қудрати*

# ҒАЗАЛИЙ УЗУКЛАРГА ГАВҲАР КЎЗ

ТУРКИЙ тилда ижод этган Маҳмуд Қошғарийдан тортиб Лутфийгача ва Навоийдан то Фурқатгача бўлган даҳо ижодкорлар ўз туркий асарларида ўзга (жумладан, араб ва форсий) тиллардан сўз олиб ишлатиб, бу билан туркий ёки ўзбек адабий тилининг бойиши ва шаклланиши учун катта ҳисса қўшганлар. Ана шу соҳада улуғ ҳазрат Алишер Навоийнинг хизматлари беқиёс бўлган.

Тарихий манбалардан бизга маълумки, X-XV асрлар Хуросон ва Мовароуннаҳр давлатларида икки тиллик ҳукм сурган давр бўлди. Бу ҳудудларда энг асосий ўринларни форсий ва туркий тил эгаллаб турган ва давлат ишларидан тортиб ижодгача ҳар иккала тилда амалга ошган. Ўша замоннинг деярли барча шоир ва фозиллари ўз асарларида форсий ва арабий тил дурдоналаридан фойдаланганлар ва шундоқ ҳам гўзал бўлган туркий тилни янада ҳусн денгизига кўмганлар. Туркий назмнинг қуёши бўлиб порлаган Алишер Навоий ана шу тилни гўё қайта яратган, қайта жон ато этиб, ҳусн ва жозиба бахш қилган зот бўлди. Туркий шоирлар ичида айниқса Навоийгина туркий шеъриятга энг кўп ўзга тил сўзларини олиб кирди. У ўзининг ўзбек тилида ёзилган назмий ва насрий асарларида ишлатган 20 мингга яқин сўзлар араб, форс-тожик, лотин, юнон, мўғул, хитой, уйғур, ҳинд, озарбайжон ва ҳатто рус тилларидан олинган. Ана шу 18-19 минг ўзлашган сўзларнинг кўпчилигини арабча ва форсча сўзлар ташкил этади. Навоийнинг насрий, тарихий, илмий асарлари, достон ва қасидалари билан унинг ғазалларини солиштирадиган бўлсак, 50 мингдан зиёд мисралик ғазалларида тахминан 45 минг мисра бошқа назмий асарлари ва ўнлаб насрий китобларидагига қараганда кўпроқ арабий ва форсий сўзлар учрайди. Демак, ўзбек тилининг бойиши ва ривожланишига Навоий ғазаллари кўпроқ таъсир кўрсатган экан.

Навоий ғазаллари жаҳон ғазалиёти мулкининг энг бебаҳо ва сержило дурдоналаридандир. Бу соҳада ижод этган Низомий, Фирдавсий, Рудакий, Румий, Саъдий, Шерозий, Лутфий, Жомий ва Фузулий каби Шарқнинг даҳо ғазалнавислари орасида Навоий ўз ғазаллари билан алоҳида ўрин тутган. Унинг туркий ва форсийда яратган ғазаллари, айниқса ишлатилган сўзларининг гўзаллиги ва сержилолиги билан ажралиб туради. Навоий ўта нозик таъб ва чуқур билимдонлик билан араб ва форс тилларининг гўзалликда тенги йўқ, мусиқавийлик хусусиятига эга бўлган сўзларнигина танлаб олган ва янада зебу жило бериб, ўзи ясаётган ғазалий узукларга гавҳар кўз қилиб қадаган. У бирон тилдан сўз олиш ва ғазалларида ишлатишдан олдин ўша тилни чуқур ўрганиб, унинг хусусият ва имкониятларини ҳар томонлама тадқиқ этиб чиққан. Шундан кейингина ўша тилни чуқур ўрганиб, унинг хусусият ва имкониятларини ҳар томонлама тадқиқ этиб чиққан. Шундан кейингина ўша тилнинг луғат хазинасидан дур терган.

Навоий ёшлигидан бошлаб тил ва адабиёт соҳаларидаги билимларни эгаллаш ниятида қунт билан ўқиди, тинимсиз изланишларда бўлди. Агар шу ёшликдан бошлаган теран изланишлар оғир ақлий меҳнат, 50 мингдан зиёд ашъорни ёд билиш самараси сифатида шоирнинг тафаккури шунчалар гўзал ғазаллар битишга ҳамда «Муҳокаматул-луғатайн», «Мезон-ул-авзон» каби тил ва адабиётга оид илмий асарлар яратишга қодир бўлди.

Юқорида Навоий араб ва форс тилларидан сўз олиб, уларга яна пардоз ва жило бериб ғазалларига жо қилган, дедик. Улуғ шоир ушбу тиллар луғатидан маълум сўз олиб, туркий, арабий, форсий тилларнинг имкониятларидан келиб чиқиб унга қўшимчалар қўшган ва бу билан янги сўз ясаган. Масалан, арабча Мажнун сўзидан Навоий мажнунвор, мажнунрафтор, мажнуннона, мажнундил, мажнунлиг, мажнуннамо каби сўзларни ясайди. Ўзбек тилида юрак, қалб, кўнгил, бағир, жон, борлиқ каби шаклларга ифода этиладиган форсча дил сўзи ҳам Навоийнинг заргарона салоҳияти натижасида ранго-ранг ўзак-дошларига эга бўлиб қолган. Дил сўзининг мусиқавийлиги, ишқий мисраларга мос тушиши учун ҳам Навоий туркий тил бойлигидан инжулар ишлатиб, сўз заргари сифатида дил сўзидан ғоят катта миқдордаги янги сўзларни ижод этди. Унинг ғазал, рубоий, муҳаммас, мустазодларида, достону қасидаларида дилором, дилрабо, дилраболиг, дилситон, дилтанг, дилфириб, дилхаста, дилпазир, дилозорлиг, дилбанд, дилбар, дилафгор, дилбасталиг, дилдорлиг, бедил, бедиллиқ, бедилона, дилафрўз, дилреш, дилхоҳ, кўчакдил, табдил, хушдил, дилнавоз, диловез, дилорой, дилпок, дилшод, дилкушо, осудадил, ошуфтадил каби 100 дан ортиқ дил ўзакли сўзлар мавжуд. Бундан ташқари Навоий тафаккурининг энг сархил мевалари — дилжўйлук, дилкушода, дилсухтвор, дилтанг, дилфириб, дилшуда, сияҳдиллик, табдил, кўчакдил каби сўзлар ўша даврда яратилган бошқа шоирларнинг асарларида мутлақо учрамайди. Демак Навоий ўзбек адабий тилида янги сўз яратиш бобида энг фаол ва беназир шоир бўлган экан.

«Дил» сўзидан ташқари, Навоий ўз ғазалларида яна бошқа кўплаб форсий сўз ўзакларидан янги сўзлар ясаган. Масалан, гул — гулюз, гуландом, гулчеҳра, гулистон, гулрухсор, гулрафтор, гулузор, гулёр, гулзода, гулчирой, гулғунча, гулбадан, гулдаҳан, гулпазир, гулгун, гулнор, гулрў, гулруҳ, гулирайҳон, моҳигул, гултоб; пари — парирўй, париваш, парипайкар, парирухсор, париюз, паризод, паричеҳра, париталъат, паридил, парилиг, парихона ва ҳоказо.

Ўзбек ва форс-тожик адабиётининг Умар Ҳайём, Шерозий, Саъдий ва Машраб каби намояндалари ўз ғазал ва рубоийларида ўзига хос май қиёфасини яратганлар. Зеро, ишқни майсиз ва ишқий мисраларни май қиёфасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мумтоз адабиётда ҳам май ишқ ўтидан ёнган дил учун булоқ сувидай таъсир этувчи бир неъмат сифатида куйланган. Шу билан бирга май баъзи шоирларнинг фалсафий қарашларининг манбаига айланган. Бундай шоирлар жумласига Умар Ҳайёмни киритамиз. У ўз рубоийларида «Май инсон ўзи яратиб қўйиб. ўзи қутулолмаётган бир нарса» деган фалсафий фикрни баён этади. Алишер Навоий ҳам ўзининг 94 минг мисралик назмиётида май қиёфасини яратган ижодкордир. Ўз ғазалларида май, бода, шароб, гулоб, чоғир каби сўзларни ишлатган шоир насрларни аксар ҳолларда ишқ, висол ва ҳижрон билан боғлиқ ҳолда ифода этган.

Шоир ўз ғазалларида майни ишқий мавзулар учун зарурий калом сифатида ишлатган бўлса, рубоийларида май хусусида фалсафий фикр юритади. Айниқса, «Девони Фоний»дан ўрин олган форс тилидаги рубоийларида Алишер Навоийнинг майга бўлган муносабати яққол кўзга ташланади. Бу бобда шоир ўзидан уч аср илгари яшаб ўтган Умар Ҳайём йўлидан боради. Навоийнинг май тўғрисидаги қарашлари Ҳайём қарашлари билан деярли тенг. Масалан, Навоий дейдики:

**Дўстлар баҳор куни ичса майи соф,**
**Мен зуҳду тавбадан урсам агар лоф,**
**Шу алжирашим-чун май беришмаса,**
**Дўстлик оламида қолмагай инсоф.**

Ушбу рубоий Умар Ҳайёмнинг фалсафий қарашига ҳамоҳангдир. Умар Ҳайём билан Машрабни май куйчилари деб атагувчилар ҳам бор. Бу фикр хато бўлса-да, бу икки шоирнинг асарларида майга алоҳида ўрин берилганидан кўз юмолмаймиз. Лекин Навоийнинг туркийда ва форсийда ёзган барча шеърий асарларини жамлаб, бирма-бир кўриб чиқадиган бўлсак, улардан май, бода, шароб каби сўзлар Умар Ҳайём ва Машраб асарларига қараганда кўпроқ қаламга олинган. Бу бобда «Девони Фоний», айниқса илгарилаб кетган. Ҳайём ва Машраб асарларининг ҳар минг мисрасида ўртача 80-90 марта май сўзи ишлатилган бўлса, Навоийнинг ҳар 1000 мисра шеърида бу сўз 120—130 тани ташкил этади. «Девони Фоний» ўзидан анча кўп ғазалларга эга бўлган «Ғаройиб-ус-сиғар», «Наводир-уш-шабоб» каби девонларга нисбатан анча кўп май, бода ва шароб сўзларини ичига олган. Навоий майни форсийда туркийга қараганда гўзалроқ, масрурроқ тараннум этган. Бунга сабаб майнинг форсча сўз эканлиги ва унинг ишқий мавзулардаги мисралар билан ҳамоҳанг ва вобаста эканлиги бўлса ажаб эмас.

Алишер Навоий араб ва форс-тожик тилларининг беқиёс гўзал сўзларини туркий тил назмиётига кўчириши, бу сўзлардан янги сўз ясаш билан ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва араб, форс тилларининг бойиши йўлида хизмат қилди. Унинг бу хизматларини илмий тадқиқ этиш, лотин, юнон ва бошқа тиллардан сўз олиб ясаган янги каломларини ҳам излаш ва ўрганиш биз — ҳазратнинг авлодлари учун ҳам қарз, ҳам фарз. Зеро, ул зоти шариф турк халқи учун беқиёс хизматлар қилди. Ана шу оламшумул ва бебаҳо хизматларидан бирини ҳазратнинг ўзи қуйидаги мисраларда баён этганлар:

**Турк назмида чу мен тортиб алам,**
**Айладим ул мамлакатни як қалам.**

**Ҳайрулло НУРИДДИНОВ.**

**Пойтахтимиздаги 21-болалар уйида республика Халқ таълими вазирлиги томонидан болалар уйи, мактаб-интернат ва умумтаълим мактабларида таълим олаётган болалар учун тадбир ўтказилди. Турли хил ширинликлар ва салқин ичимликлар билан безатилган дастурхон атрофига тўпланган болаларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Шу куни 21-болалар уйи ҳамда 245-болалар боғчаси тарбияланувчилари концерт дастури намойиш қилдилар.**

**СУРАТЛАРДА: 98-мактаб-интернатнинг тарбияланувчилари Мунира Муҳамедова ва Дилноза Саидовалар берилган мукофот — соатни кўздан кечиришяпти. Пастдаги суратда эса совғалар тақдим этилаётган пайт акс эттирилган.**

**Равиль Альбеков суратлари.**

# ТУРКУМ КИТОБЛАР

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни «Истиқлол фидойилари» деб номланган туркум китоблар чоп эта бошлади.

Туркумнинг биринчи китобининг муаллифи адабиётшунос олим, профессор Озод Шарафиддинов бўлиб, у «Истиқлол фидойилари» деб номланган. У учта танқидий биографик ва илмий очеркдан ташкил топган. Унда Ўзбекистон мустақиллиги йўлида фаол курашган, бу курашда жон фидо қилган таниқли адабиёт ва маданият арбоблари ҳақида ҳикоя қилинган. Китобда биринчи марта Мустафо Чўқаев ва Отажон Ҳошимовнинг ҳаёт йўли озми-кўпми батафсил ёритилган. Шунингдек, улуғ ўзбек шоири Чўлпоннинг адабий-танқидий қарашлари ҳақида фикр юритилган.

Иккинчи китоб «Усмон Носир» деб аталади.

Усмон Носир ҳаёти ва ижоди адабиётшунослигимизда атрофлича ўрганилган эмас. Айниқса, шоирнинг шахсга сиғиниш даври қурбони бўлгани мазкур йўналишдаги ишларнинг амалга ошмаганлигига бош сабабдир. Жамиятимизда рўй берган ўзгаришлар, республикамизнинг мустақиллиги эълон қилиниши ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин тутган отаашзабон, лирик шоирнинг ижоди, ўзига хос қайтарилмас мураккаб тақдири ҳақида бор ҳақиқатни айтиш имконини берди. Наим Каримовнинг ҳужжатли қиссаси ана шу йўналишдаги катта эътиборга лойиқ ишдир.

**Ш. ЭРГАШЕВА,**
**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририятининг муҳаррири.**

*Келажагимиз—мактабда*

# ДОИМИЙ ИЗЛАНИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

**Математика ҳамма замонлар учун сув билан ҳаводек зарур бўлган фандир. Халқ таълими соҳасида қатор ўзгаришлар рўй бериб турган айни пайтда бу соҳадаги янгиликлар қандай амалга оширилаётгани, ишлар, изланишлар кўпчиликни қизиқтиради. Мухбиримиз Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг математика ўқитиш услуби кафедраси мудири, профессор Турғун Тўлаганов билан суҳбатлашди.**

**— Турғун Рихсиевич, сиз педагог сифатида ўрта, ўрта махсус ҳамда олий мактаблар тузилишини қандай бўлишини истар эдингиз?**

— Ҳозирги пайтда ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари каби халқ таълими соҳасида ҳам қатор ўзгаришлар рўй берди. Лицейлар, гимназиялар, махсус синфлар тузилмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзига хос йўналишга эгалиги, мақсади, вазифалари аниқ белгиланганлиги билан диққатга сазовордир.

Энди сизнинг юқоридаги саволингизга келсак, бунга бир сўз билан жавоб қайтариш қийин. Шундай бўлсада, бу тўғрида шуни айтиш мумкинки, халқ таълимининг асосини ташкил қиладиган мактаблар, улар нафақат тузилиши жиҳатидан, балки ҳар томонлама равнақ топган доимий янгиланиш, изланиш, юксалишлар йўлидан бориб, давр билан ҳамнафас бўлсин.

**— Сиз ишлаётган институтда, хусусан, математика факультетида талабаларни муаллимлик касбига йўналтириш юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу сизни қаноатлантирадими?**

— Факультетимизда асосан математик таҳлил, алгебра ва сонлар назарияси, геометрия, информатика ва ҳисоблаш техникаси ҳамда математика ўқитиш услубиёти кафедралари мавжуд. Бу кафедраларнинг ҳар бири ўз режалари асосида иш олиб боради. Ҳозирги замон математика ўқитувчисининг дунёқараши, касбнинг мураккаблиги, ўрта мактабдаги математик билимларнинг тузилиши ва бошқа мавзуларда факультет талабалари билан тез-тез кечалар, баҳс, беллашувлар ўтказилади. Уларга республикамизнинг кўзга кўринган олимлари, илғор математика ўқитувчилари таклиф қилинади. Факультетимизнинг илмий-услубий йиғилишларида бевосита талабаларимизни математика ўқитувчиси ва етук тарбиячи бўлиб чиқишларини таъминлаш мақсадида фанлараро узвий боғланишларни уйғунлаштириш, ортиқча такрорланувчи математик тушунчаларни тартибга солиб, талабаларга юқори малакали билим, кўникмалар беришга ҳаракат қилмоқдамиз.

**— Сиз бошқараётган «Математика ўқитиш услубиёти» кафедраси республикамизда математикани ўқитиш услубиёти бўйича марказий ўринлардан бири ҳисобланади. Кафедрада олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлаб берсангиз.**

— Кафедранинг иш фаолиятини асосан иккита — илмий ва ўқув-тарбиявий қисмларга ажратиш мумкин. Илмий қисмининг ўзи ўрта, ўрта махсус ва ҳунар мактабларида математика ўқитиш самарадорлигини ошириш, олий мактабларда математика ўқитиш услубиётини такомиллаштириш сингари соҳаларга бўлинди.

Бу соҳада кафедрамиз аъзолари фақат 1992 йилнинг ўзида иккита ўқув қўлланмаси тайёрлаш билан бирга 35 тадан ортиқ илмий, услубий мақолаларни чоп этишга муваффақ бўлдилар. Бир нечта мактаб математикаси мавзусига тегишли услубий қўлланмалар тайёрлади. Улар педагогика ўқув юртларида ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш соҳасига тадбиқ қилиниб, салмоқли натижаларга эришилмоқда. Жумладан, математикани ўқитиш услубиёти курси юзасидан амалий ва тажриба машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказиш юзасидан, мустақил ишларни ишлаб чиқиш, назорат қилиш, элементар математика курсининг мазмуни ва тизимини тузиш каби масалаларни намунали ҳал этяпти.

**— Ўрта мактаб ва олий ўқув юртларида математика ўқитиш борасида қандай муаммолар бор?**

— Тўққиз йиллик мажбурий таълимга ўтиш халқ таълими соҳасидаги жуда кўп муаммоларни юзага чиқармоқда. Мустақил республикамизнинг ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган инсонларни етиштиришимиз энг муҳим масаладир. Шу нуқтаи назардан олиб қарасак бериладиган фан асосларини энг паст даражасини ва бу фан асосларидаги ўргатиладиган тушунчаларни ўзаро умумлаштириш ва иложи борича ўқувчига тушунарли бўлишини таъминлаш керак. Унинг ақлий ва жисмоний ривожланишига ёрдам берадиган ва ўзлаштириш имкониятидан чекламаган ҳолда ўқитиладиган фанларнинг ўзаро алоқадорлигини ошишига аҳамиятни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Математика фани бошқа фан асослари билан бирга ўзининг ички ва ташқи қонунлари билан ўзаро боғлиқ бўлмоғи лозим. Ўзида бозор иқтисодиёти қонунларини мазмунан ва шаклан ривожлантириш техник ва технологик жараёнларнинг такомиллашуви, амалий математик билимларнинг яхлитлигини таъминлаш, шунингдек, ўқувчиларда мантиқий, аналитик, математик тафаккурни шакллантиришида омилкор бўлган масала ва мисоллар — янги тушунчани мустаҳкамловчи, уни ривожлантирувчи, ижодий-изланувчан фаолиятни тезлаштирувчи ва касбга йўналтирувчи каби тушунчаларни мужассамлаштирган таълим тизими яратилишини мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Педагогика институтларида, жумладан, математика билимларида юқори даражага эга бўлиш билан бирга компьютерлардан бемалол фойдалана оладиган ва юқоридаги талабга жавоб бера оладиган ижодий изланувчан, тарбиявий ишларни унумли амалга ошира оладиган мутахассислар етказиш долзарб вазифаларимиздан биридир.

**— Ҳозирги кунда республикамиздаги олий ўқув юртларида қўлланмалар етишмайди. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз...**

— Тўғри, шу пайтгача етишмас эди. Ҳозирги кунда олий ўқув юртларининг математика бўлимлари учун «Математика ўқитиш услубиёти» курси бўйича ўқув қўлланмасини тайёрлаш устида иш олиб боряпмиз. Кафедрамиз аъзоларининг унумли ҳаракати асосида «Математика ўқитиш услубиётидан маърузалар» юзасидан дастлабки қўлланмалар тайёр бўлди. Шу ўқув йилидан улар ўқув юртларига жорий этилади. Умуман олганда, қараб ўтирганимиз йўқ. Давр талабига жавобан фанимизнинг равнақи учун меҳнат қилмоқдамиз. Мустақил республикамизни ҳар жиҳатдан бошқа давлатлар билан рақобатлашадиган мамлакат даражасига олиб чиқишда ўрнак бўладиган билимдон, ишбилармон мутахассисларни тайёрлаб бериш бизнинг энг асосий мақсадимиздир.

**Суҳбатдош**
**Зубайда УСМОНОВА.**

БЕРНУЛЛИ эҳтимоллар назарияси ва математик статистика соҳасида ишловчи олимлар ҳалқаро жамияти ҳисобланади. Бу жамият 1975 йили тузилган бўлиб, ҳалқаро статистика институти шўъбаларидан бири саналади. Халқаро ҳамкорлик воситасида ҳозирги замон математика фанининг турли соҳаларида тадбиқ этишга эга бўлган тармоғи —математик статистика ва эҳтимоллар назариясини янада тараққий эттиришга кўмаклашишни жамият ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Нима учун бундай нуфузли илмий жамият Бернулли деб аталади? Гап шундаки, Бернуллилар авлоди жаҳон фани, маданиятига катта ҳисса қўшган машҳур кишиларни берди.

Бу олимлар сулоласи ҳақидаги дастлабки маълумотлар XVI аср охирига бориб тақалади. XVII аср бошларида Бернуллилар Швейцариянинг Базель шаҳрига келиб яшашади. Базель 1460 йилда асос солинган университет бўлиб Бернуллилар авлодининг кейинги бўғинлари ҳаёти ижоди Базель университети билан боғлиқ.

Бернуллилардан уч киши Петербургда ишлаган, беш нафари Петербург Фанлар академиясининг аъзолари бўлишган.

Эҳтимоллар назариясига асос

*Кашфиётлар тарихидан*

# АСРИМИЗ АРХИМЕДИ

Бернуллилар сулоласидан чиққан олимлар 105 йил давомида Базель университети математика кафедрасини бошқаришди, улар 200 йил давомида шу олий ўқув юрти турли кафедраларининг профессорлари, деярли бир аср мобайнида Париж фанлари академиясининг академиклари бўлишди.

солган, уни фан сифатида шакллашишига улкан ҳисса қўшган олимлардан бири Яков Бернуллидир. У шу авлоддаги биринчи буюк математик ҳисобланади. «Эҳтимол» тушунчасининг ўзини ҳам фанга Я. Бернулли киритган эди.

Улуғ математик 1685 йилга келиб эҳтимоллар назариясининг биринчи лимит теоремаси — катта сонлар қонунини исботлаган, у теорема эҳтимоллар назариясининг тадбиқларида муҳим роль ўйнайди. Эҳтимоллар назариясига оид дастлабки асарлардан ҳисобланган. «Таҳмин қилиш санъати» китоби Я. Бернулли қаламига мансуб бўлиб, бу нашр 1713 йилда муаллиф вафотидан сўнг босилган эди.

У Париж фанлар академиясига ҳақиқий аъзо этиб сайланган, 1690 йилда чоп қилинган ишида «интеграл» атамасини биринчи бўлиб ишлатди.

Олимнинг фан олдидаги, айниқса эҳтимоллар назарияси соҳасидаги улуғ хизматлари инобатга олиниб, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика мутахассисларини бирлаштирувчи илмий жамиятга унинг номи берилди.

Бернулли жамияти I Умумжаҳон конгресси 1986 йили Тошкентда ўтказилди.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлаган.**

*Тошкент ҳарбий лицейида*

# СОҲИБҚИРОН НАБИРАЛАРИ

ОНА Ватан. Ватан меҳри. Она Ватанга, она заминга меҳр-муҳаббат, садоқат туйғулари. Республикамиз мустақилликка эришгач, бу туйғулар ҳам ўзгача маъно, мазмун билан бойиди. Келажагимиз, умидимиз чироғбонлари бўлган ёшларда жонажон Ватан тақдири учун дахлдорлик, унинг ҳудудларининг дахлсизлиги учун масъулият ҳиссси ортмоқда. Ўтган йили ташкил этилган ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтириш бўйича республика лицейи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш марказларидан десак муболаға эмас. Лицей остонасидан киришингиз билан республикамиз давлат рамзларига кўзингиз тушади. Уларда осмонўпар тоғлар, сержило дарёларимиз, қуёш заррин нурларини сочиб турган яшил водийлару ҳосилдор ерларимизда етишадиган буғдой, оппоқ пахта, баҳт ва ҳурлик тимсоли — қанотларини ёзган ҳумо қуши яққол кўзга ташланади.

Демак, бу масканда Ватан туйғуси, ҳур диёрга муҳаббат ҳиссини ёшлар онгига сингдириш унинг остонасидан бошланади.

— Лицейимиз республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги арафасида ташкил топган бўлсада, унинг ҳам ўз тарихи бор, — деб таъкидлади лицей директори Собир Аҳроров. — 1983 йилда Шароф Рашидов ташаббуси билан рус тилини ўрганиш ва ҳарбий тайёргарликни кучайтириш мақсадида мактаб-интернати ташкил этилган эди. 3 йил мобайнида ўқувчилар жисмонан чиниқиб, ҳарбий тайёргарликдан ўтгач, ҳарбий олий ўқув юртларига ўқишга борадилар. Биз республика Ички ишлар вазирлиги, миллий хавфсизлик хизмати идораларига қарашли чегара қўшинлари билан шартномалар туздик. Лицейни битирган ўқувчиларимиз ҳам чегара қўшинларига, ҳам ички ишлар идораларига қарашли ҳарбий олий ўқув юртларига юборилади. Лицейга асосан жисмонан бақувват, соғлом, 8-синфни битирган ёшлар қабул қилинади.

Бу ерда ўқувчиларнинг яшашлари, билим олишлари ва жисмонан чиниқишлари учун барча шароит муҳайё. Ўқитиш давлат тилида. Битта гуруҳда рус тилида олиб бориляпти. Ўқувчилар интизомга қатъий риоя этадилар. Бу ерда кун тартиби шундай тузилганки, болалар ўз вақтларини беҳуда ўтказишларига йўл қўйилмайди. Улар фан асосларини эгаллашлари, спорт машқларини бажариб, вақтида маданий дам олишлари мумкин. Умуман бу ерда ёшларнинг яшаши, ўқиши, жисмонан чиниқишлари учун барча шароитлар муҳайё. Лицей ўз спорт шаҳарчасига эга. 4 та спорт зали мавжуд бўлиб, уларда ўқувчилар бокс, кураш, қўл жанги, самбо, баскетбол, волейбол, футбол секцияларига қатнашадилар. Ҳарбий тайёргарликлардан ўқитилади.

Лицейга ҳар йили 150 нафар ўқувчи қабул қилинади. Етим болалар, кўп болали оилалар фарзандлари, қишлоқ жойлардан келган иқтидорли болаларни қабул қилишда имтиёзлар берилган, — деб таъкидлади Собир Масихаддинович. Бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида айрим ёшлар пул топиш йўлига ўтиб кетаётган бир шароитда бизнинг ўқувчиларимиз ҳарбий бўлишни, мустақил Ўзбекистон Республикаси посбони бўлишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Уларда ҳозирданоқ ҳарбий ҳаётга, интизомга кўникма ҳосил бўлмоқда. Улар ўз хоналарини озода сақлашади, кийимларини ювиб, ёқаларини ўзлари тикишади. Ошхонада тартиб ўрнатишади, ётоқхонада навбатчилик қилишади.

Ватанни севмоқ иймондандир. Бу ҳақ гап. Лицей синфхоналарида, машқ майдонларида ўқувчилар онгига Ўзбекистоннинг давлат рамзларига ҳурмат, садоқат ҳислари сингдириляпти. Ҳар бир ўқувчи Ўзбекистон мадҳиясини ёд билишига эришилган. Лицейда уни ижро этадиган хор жамоаси мавжуд. Факультатив дарс соатларида эса халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари билан таништириляпти. Улуғ лашкарбоши Амир Темур бобомизнинг ҳарбий тактикасини ўргатадиган махсус дарслар киритилган. Ватан уруши қатнашчилари билан учрашувлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари музейига саёҳатлар бу ерда анъанага айланган.

Бу йил мактабни 150 нафар ўқувчи тугатди. Битирувчилардан Б. Валиев Чирчиқдаги танк қўшинлари олий ҳарбий ўқув юртига, С. Осмонов, У. Қиличев республика ички ишлар вазирлиги олий билим юртига, А. Абдувалиев, М. Юнусхўжаев, Ҳасан-Ҳусан Азимовлар эса Тошкент ҳарбий умумқўшин командирлари билим юртига ўқишга киришди.

Республика халқ таълими, Мудофаа вазирлиги лицей моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, таълим-тарбия ишларини бугунги юксак талаблар даражасида йўлга қўйиш учун яқиндан ёрдам беришяпти. Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юрти жамоаси эса ўқувчиларнинг отиш машқлари, техник машғулотларини ўтказишларига тегишли шароит яратмоқда.

Бу йил рус гуруҳига 30 нафар, ўзбек гуруҳига 120 нафар ўқувчи қабул қилинди. Шу кунларда лицейнинг ўқиш хоналари, машқ майдонлари спорт заллари ўқувчилар билан гавжумлашди.

Бу ерларда ҳур Ўзбекистоннинг посбонлари ҳаёт дорилфунунидан, чиниқиш мактабидан ўтмоқда. Ватан ҳимоячиларининг баркамол, жасур жисмонан соғлом авлоди камол топмоқда.

**Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА.**

*Маданият масканларида*

# ИЖРОЧИ ОНАХОНЛАР

МИРЗО Улуғбек туманидаги А. В. Луначарский номидаги маданият уйида «Гулшан» халқ ашула ва рақс дастаси, халқ чолғу асбоблари оркестри, «Бизнинг уй» халқ театри, «Тўрғай» болалар намунали хори, тасвирий санъат студияси, «Нола» вокал-чолғу дастаси, мусиқа студияси, «Эртаклар ороли», Якшанба кичкинтойлар мактаби ва аёллар учун тикиш-бичиш тўгараги мунтазам ишлаб турибди.

Маданият уйининг тўртта бадиий жамоаларига фахрли «Халқ ҳаваскорлик жамоаси» унвони берилган. Жамоалар ўн беш йилдан бери туман, шаҳар, республика кўрик-танловларида, фестивалларида қатнашиб, ҳамиша фахрли ўринларга сазовор бўлиб келишяпти. Бу ютуқларга эга бўлишда маданият уйининг А. Қодирий номидаги маданият институти билан ижодий ҳамкорлиги ҳам катта ўрин тутади.

Собир Жумаев раҳбарлик қилаётган «Гулшан» дастаси бир неча йилдан бери санъатсеварларнинг ҳурматини қозониб келяпти. «Камолот 91» танлови совриндори Орол Мирзо, хушовоз хонандалар Бахтиёр Худойберганов, Рустам Халиловлар ижро этаётган қўшиқлари халқимизга манзур бўлаяпти.

Маданият уйида бадиий жамоалар зарур бўлган техник жиҳозлар, концерт кийимлари ва махсус машғулот хоналари билан таъминланган.

Ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамай Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги маданият муассасаларига катта эътибор билан қараб, моддий ва маънавий ёрдам бераяпти. 1992 йил ноябрь ойида ҳокимлик ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаб, туман бадиий ҳаваскорларининг кўрик-танловини ўтказган эди. Маданият уйининг бадиий жамоалари бу кўрик-танловда еттита фахрли ўринларни олиб, қимматбаҳо совғаларга сазовор бўлишди. Маданият уйи ходимлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган тадбирларда фаоллик кўрсатишди. Туманда мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказилган ҳокимлик раҳбарларининг ёшлар билан учрашувида, туман кичкинтой-ларининг оммавий сайилида ҳаваскор санъаткорлар фаол қатнашдилар. Маданият уйи атрофида жойлашган «Гулшан», «Иттифоқ», «Ҳумоюн», Йўлдош Охунбобоев ва Шукур Бурҳонов номидаги маҳаллаларда ўтказилган байрам тадбирларида ижрочи гуруҳлар фаол қатнашдилар.

Ҳозир маданият уйлари олдида турган асосий вазифалардан бири миллий анъаналаримизни тиклаш, ўзбек халқ санъати дурдоналарини ижро этувчиларни жалб этиш ва концерт дастурига қўшиш. Шу мақсадда «Бизнинг маҳалла» фольклор дастаси ташкил этилди. Мирзо Улуғбек туманидаги «Оққўрғон» маҳалласидаги фаол онахонлардан ташкил топган бу даста биринчи концерт дастурини мустақиллик байрамида намойиш этди.

**Юнус МУҲАМЕДОВ.**

# ЧОРРАҲА

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун янги жарималар миқдори эълон қилинибди. Шу ҳақда батафсилроқ маълумот берсангиз.

Чингиз Жамолитдинов,
Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, иқтисодчи.

* * *

Жарималар миқдори нега тез-тез ошмоқда?

Шоҳжаҳон Эҳсонов,
Собир Раҳимов тумани, ўқитувчи.

**Бундай саволлар битилган мактублар кейинги пайтларда таҳририятимизга кўплаб келмоқда. Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Давлат автомобиль назорати бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Холмат Зокиров билан суҳбатда бўлди.**

**— Холмат Акбарович, биринчи саволни кўпчиликни қизиқтираётган масаладан бошласак, яъни жарималар миқдорининг тез-тез ўзгариб туришига сабаб нима?**

— Ушбу савол юзасидан шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 1992 йилнинг 9 декабрида Республикамиз Президенти томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ва ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мажмуаси ва Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексида назарда тутилган жарима миқдорларини қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори эълон қилинган эди. Унда кўрсатилишича, ойлик маош миқдорининг ошиб бориши солинадиган жарималар миқдорининг ҳам ўз-ўзидан ошишига олиб келиши таъкидланган.

Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: ушбу солинаётган жарималар йўл интизомини мустаҳкамлашга таъсир этаяптими, йўқми?

Агарда фақатгина солинаётган жарималарнинг ўзи йўл интизомига ижобий таъсир этаётган десак, менимча хато бўлур эди. Негаки, янги техникага эга бўлган Давлат автомобиль назорати хизмати ходимлари ўз фаолиятларида кенг профилактик тадбир ва чораларни ҳам қўлламоқдалар.

* *Муштарийлар илтимосига кўра*

## ЧОРА ҚАТЪИЙ, ЛЕКИН АДОЛАТЛИ

Энди йўлларда рўй бераётган бахтсиз ҳодисалар хусусида тўхталадиган бўлсак, ўтган 8 ой мобайнида Тошкент йўлларида содир этилган йўл транспорти кўнгилсиз ҳодисалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,2 фоизга, ҳалок бўлганларнинг сони 17,1 фоизга, тан жароҳати олганларнинг сони эса 11,3 фоизга камайганлигини қайд этиб ўтиш мумкин.

Бугунги кунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, айниқса Тошкент шаҳрида катта ижтимоий муаммоларнинг бирига айланган. Чунки ҳеч кимга сир эмас, пойтахтимиз аҳолиси жиҳатидан ҳам, транспорт воситаларининг кўплиги жиҳатидан ҳам республикамизда етакчи ўринни эгаллайди, бу ҳол эса бахтсиз ҳодисаларнинг содир этилишига ҳам жиддий таъсирини кўрсатмоқда.

Шунингдек, бахтсиз ҳодисаларнинг содир этилишига ҳайдовчи ва пиёдаларимизнинг йўл ҳаракати қоидаларига итоат этмасликлари, уни қўпол тарзда бузишлари ҳам сабаб бўлмоқда.

**— Энди бевосита амалиётда қўлланилаётган жарималар ҳақида суҳбатлашсак. Масалан, ҳозирги кунда транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарувчи ҳайдовчиларга нисбатан қандай чоралар белгиланмоқда?**

— Ҳозирги кунда транспорт воситаларини маст ҳолда бошқараётган ҳайдовчиларга нисбатан 40.000 дан 112,500 сўмгача миқдорда жарима солинмоқда ёки бўлмаса 1 йилдан 3 йилгача ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинмоқда.

Мабодо ҳайдовчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмасдан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарса, бундай қоидабузарга ҳам 45.000 сўмдан 112.500 сўмгача жарима солинади.

Агарда бир шахс томонидан бундай қоидабузарлик бир йил ичида такроран содир этилса, унда бу шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Таъкидлаб ўтиш керакки, транспортни маст ҳолда бошқарган ҳайдовчига чоралар суд идоралари орқали белгиланади.

**— Йўлчироқ кўрсатмасига бўйсунмаслик, транспорт воситасининг тезлигини ошириб юриш ҳоллари ҳам кўчаларимизда тез-тез учраб турадиган қонунбузарликлар қаторига киради. Бундай ҳайдовчиларга нисбатан қандай маъмурий чоралар белгиланган?**

— Йўлчироққа бўйсунмаслик, транспорт воситаларининг тезлигини ошириб юриш, йўл белгилари чизиқларига итоат этмаслик, йўловчи ташиш транспорт воситаларини қувиб ўтиш ва бошқа шу каби қоидабузарликларни келтириб чиқарган ҳайдовчиларга нисбатан қуйидаги чоралар белгиланган: улар биринчи галда огоҳлантирилишлари мумкин ёки бўлмаса 1125 сўмдан 5125 сўмгача жарима тўлайдилар.

Худди шундай қоидабузарликлар такрорланса унда «учар» ҳайдовчилар 3.750 сўмдан 11.250 сўмгача жарима тўлаб Давлат автомобиль назорати ходимларига ўз назарий билимларини имтиҳон орқали исботлашларига тўғри келади.

Ҳозирги кунда, эътибор берган бўлсангиз транспорт воситаларини давлат рақами белгисисиз бошқариб юрган ҳайдовчиларни камдан-кам учратиш мумкин, чунки бундай қоидабузарликларга ҳам тегишли чоралар белгилаб қўйилган, яъни рақам-белгисиз ёки уни ўзгартириб юрган ҳайдовчилардан 11.250 сўмдан 78.250 сўмгача жарима олинади ёки улар транспорт воситасини бир йилгача бошқаришдан маҳрум этиладилар.

**— Тегишли ҳужжатларсиз транспорт воситалари бошқарилсачи?**

— Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳайдовчи транспортни техник паспорт, ишонч варақасисиз бошқарса 50 сўмдан 3.570 сўмгача жарима тўлайди, мабодо ҳайдовчилик гувоҳномаси умуман бўлмай туриб транспорт воситасини бошқарса бу ҳолда ундан 11.250 сўмдан 33.750 сўмгача миқдорда жарима ундириб олинади.

Транспорт воситалари ойнасини меъёридан ошириб қорайтириб юрган ҳайдовчиларга нисбатан жарималар миқдори фуқароларга 3.750 сўмдан 11.250 сўмгача, мансабдор шахсларга эса 5.125 сўмдан 22.500 сўмгача белгиланган. Бундай қоидабузарлик бир йил ичида такроран қайд этилса, унда фуқароларнинг 22.500 сўмдан 56.220 сўмгача, мансабдор шахсларнинг эса 33.750 сўмдан 70.750 сўмгача жарима тўлашларига тўғри келади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, илгарилари ДАН ходимларини менсимаслик, уларнинг қонуний талабларига бўйсунмаслик ҳоллари тез-тез учраб турар эди. Ҳозирда эса бундайларга нисбатан кескин чоралар белгиланган. Масалан, ҳайдовчи ДАН ходимига ҳужжатларини бермаса ёки транспорт воситасини тўхтатиш ишорасига бўйсунмаса у ҳолда 1.125 сўмдан 22.500 сўмгача жарима тўлашга мажбурдир.

Шунингдек, ҳайдовчи милиция ходимларининг қонуний талабларини бажармаса 56.250 сўмгача жарима тўлайди ва 15 кунгача ҳибсга олинади.

**— Холмат Акбарович, сизнингча бундай чоралар жуда кескин эмасмикан?**

— Агарда содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлилини чуқур кўриб чиқсак, унда ҳалок бўлаётган, турли даражада жароҳатланаётган инсонларни кўз олдимизга келтирсак, давлатимиз, фуқароларимиз кўраётган иқтисодий, маънавий зарарлар назарда тутилса, менимчалик бу кўрилаётган чоралар қатъий ва шу билан бирга адолатли эканини ҳис қилишимиз мумкин.

**Суҳбатни Азиз ЭРНАЗАРОВ ёзиб олди.**

* *Кўча—нозир—пиёда*

## БИЛИБ ТУРИБ ҚОИДА БУЗАЁТГАНЛАР

**«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳамда пойтахт Давлат автомобиль назорати бошқармасининг қўшма текшируви.**

**«Шу йилнинг ўтган 8 ойи ичида пойтахтда жами 1500 та йўл-транспорт ҳодисаси юз бериб унда 145 та одам ҳаётдан кўз юмган, 1683 нафар киши эса жароҳатланган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 864 таси ҳайдовчиларнинг айби билан юз берган бўлиб, шуларнинг 525 нафари шахсий транспорт воситаларидир. Шунингдек 571 марта пиёдаларнинг айби билан фожиавий йўл-транспорт ҳодисалари рўй бериб, шундан 56 нафар пиёда ҳодиса пайтида маст ҳолда бўлган. Уларнинг 44 таси ҳалок бўлган. 536 таси турли даражадаги тан жароҳатлари олган...»**



ҲА, Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармасининг юқоридаги ҳисоботини ўқиган ҳар бир киши чуқур ўйга толиши аниқ. Зеро ҳар бир йўл-транспорт ҳодисасининг ортида кимнингдир оиласи учун катта фожиа ётибди. Ваҳзилар эса борлиқдаги бебаҳо неъмат — яшаш, ҳаётдан завқланиш бахтидан бебаҳра бўлмоқдалар. Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, ҳар куни ўрта ҳисобда 6—7 тадан йўл-транспорт ҳодисаси рўй бераётган экан. Бунинг тагида эса йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмайдиган «учар» ҳайдовчилар, паришонхотир ёхуд ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да доимо қайларгадир шошиб юрадиган пиёдаларнинг кўплаб қоидабузарликлари ётибди.

Пойтахт Давлат автомобиль назорати бошқармаси тарғибот бўлими бошлиғининг муовини Азиз Эрназаров, шу бўлим нозири Нуриддин Хўжаев ва йўл патруль хизмати нозири Каримжон Йўлдошевлар билан бирга шаҳарда йўл ҳаракати қоидаларига қандай риоя қилинаётганлигини аниқлаш мақсадидаги текширувига чиқар эканмиз, кўнглимиздан беихтиёр юқоридаги хаёллар ўтди.

Мана, шаҳримизнинг энг гавжум чорраҳаларидан бири бўлмиш Абдулла Тўқай ва Пушкин кўчалари кесишган жойдаги йўлчироқ ёнида турибмиз. Ушбу чорраҳада автомобиллар қатнови жуда тиғизлигига қарамай кўплаб йўловчилар 3 ва 4, ҳатто 5 кишидан бўлиб йўлнинг тақиқланган жойидан кесиб ўтмоқдалар. Ажабланарлиси шундаки, бу нарса уларнинг онгига шунчалик сингиб кетганки, улар йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузаётганларини ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаяптилар. Шу ўринда Болтиқбўйи республикалари ва Беларусда кўрган манзараларимиз ёдга тушди. У ерда ҳаракат хавфсизлигига риоя қилиш зарурлиги барчага болаликдан сингдирилар, шу сабабдан ҳатто яқин-атрофда бирор-бир транспорт воситасининг қораси кўринмаса ҳам ҳеч ким йўлнинг тақиқланган жойидан кесиб ўтмас ёки йўлчироқда пиёдалар учун қизил чироқ ёниб турган пайтда сира-сира қоидани бузиб ҳаётини хавф остида қолдирмас экан.

Шундай қилиб йўлнинг тақиқланган еридан кесиб ўтган икки ёш йигитни суҳбатга тортдик.

— Олий ўқув юрти талабаларимиз, шошиб тургандик, кечиринглар, — узр сўраша бошлашди улар. Маълум бўлишича улардан бирининг ҳатто ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам бор бўлиб, шунга қарамай билиб туриб қоидани бузаётган экан.

Пушкин кўчаси бўйлаб кетаётганимизда «Узтяжпром» лойиҳа институти атрофида йўловчиларга халал бериб йўлкада тўхтаб турган бир қатор машиналар эътиборимизни тортди. Буни қарангки, институт ёнидаги махсус тўхташ жойида шу ерга қўйиш мумкин бўлган бир нечта автомашинанинг давлат белгиси ёзиб қўйилганлигига қарамасдан бу ерда умуман бошқа машиналар турар, у ҳам етмагандек ён атрофда ҳам бир нечта машина «савлат» тўкиб турарди.

Тошкентдаги «Эльбор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 01—23 ТНП машинаси ҳайдовчиси ва ундаги бирлашма ходимларига «Машинангиз нега тўхташ тақиқланган жойда турибди?» деб берган саволимизга улар «Мумкин бўлмаса энди машинамизни бу ерга қўймаймиз, биринчи гал кечира қолинг» деб силлиқкина қутулиб қолишга уринишди.

Унинг ёнидаги Асакадаги «УзДЭУ» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасига қарашли Н 637027 белгили «ДЭУ» микроавтобусининг ҳам бу ерда тўхтаб туришга ҳуқуқи бўлмаганлиги камлик қилгандай машинанинг йўл варақаси ҳам яхши тўлдирилмаганлигининг гувоҳи бўлдик.

Абдулла Тўқай кўчасининг маълум бир қисмида юк ташийдиган машиналарнинг юриши тақиқланади.

Бу кўчага келганимизга уч дақиқа ҳам ўтгани йўқ. 28—68 ТНН давлат белгили «ЗИЛ» юк машинаси шитоб билан «Болалар дунёси» дўкони томон интилаётганда уни тўхтатишга тўғри келди. Кўп тармоқли «Папирус» фирмасига қарашли бўлган мазкур машинанинг ҳайдовчиси Сергей Матвеев бемалол машинанинг олд ойнасига қўйилган Амир Темур, Широкая кўчаларида қатнаш мумкинлиги кўрсатилган рухсатномани рўкач қилди. Бу кўчанинг А. Тўқайлигини айтганимизда эса елка қисиб қўя қолди. Ҳали Матвеев билан масала охиригача ҳал қилиб олинмаган ҳам эдики, иккинчи қоидабузар шахс В. Тирнов бошқариб келаётган давлат рақами 37—92 ТНБ бўлган «КамАЗ—5511» машинаси кўринди. Табиийки, у ҳам тўхтатилиб, ҳужжатлари текширилганда «Тошметроқурилиш» трести автосаройига қарашли бу машинага ҳам А. Тўқай кўчасига қатнаш учун рухсат берилмаганлиги маълум бўлди.

Шаҳримизнинг баъзи кўчаларида автомашиналарнинг фақат бир томонлама йўналиш бўйича қатнашига рухсат берилган. Бироқ шунга қарамай айрим ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларига хилоф равишда, шундай кўчаларда ҳам қарама-қарши йўналиш бўйича машиналарини «учириб» ҳайдайдилар. Бу эса ўз навбатида кўпинча таҳликали ҳолатларнинг вужудга келишига, тўқнашувларнинг юз беришига олиб келади.

Иванов кўчасидаги бир томонлама йўналишли кўчага етиб келганимиз ҳамоно ГАЗ—24 русумли, давлат рақами В 4262 ЧМ бўлган машина қарама-қарши ҳаракатланаётганини кўриб, ҳайдовчидан нима сабабдан қоидани бузаётганлигини сўрадик. Машина соҳиби Давронбек Фозилов қариндошникига келганларини, бу ерда бошқа кўча борлигини билмаслигини баҳона қилди. Ҳолбуки, ўртадаги яшил майдоннинг нарёғидаги йўлдан бемалол қоидани бузмай шу йўналиш бўйича машинани бошқариш мумкин эди.

Зум ўтмай Т 0053 ТН белгили ВАЗ—2106 машинасини ҳам қарама-қарши томонлама ҳаракатланаётгани учун тўхтатиб, нега қоидани бузаётганини изоҳлаб беришни сўрадик.

Қарангки, машина соҳиби, шу атрофда истиқомат қилар экан, машинасини қўядиган жой мазкур йўл ёқасида бўлганлиги учун, қулайроқ деб шу кўчадан юрибди.

Ҳозир шаҳримизда ғарб фирмаларининг турли маркадаги ҳашаматли машиналарини кўплаб учратиш мумкин. Бу яхши албатта, улар йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиб юрсаларку нур устига нур бўларди, бироқ...

Усмон Носир кўчасидаги йўлчироқда қизил чироқ ёниб турганига қарамай Ш 0528 ТН белгили «Хонда» спорт автомобили тезликни ошириб ғизиллаб ўтиб кетди.

Ушбу хатти-ҳаракати учун жавоб беришга тўғри келганда эса унинг соҳиби Ш. Тўлаганов:

— Қасам ичиб айтаманки, кўк чироқда ўтдим,— деб тушунтириш берди.

Бироқ ҳеч қилиб бўлмайдиган далиллардан сўнг, айбини бўйнига олишга мажбур бўлди.

Шу куни ҳақиқатан ҳам 2—3 соат ичида юқоридаги каби талай қоидабузарликларнинг гувоҳи бўлдик. Барча қоидабузарлар тегишли жазосини олди. Тадбирга чиқмасдан олдин, очиғи йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарималар миқдори ҳаддан ташқари ошириб юборилмаганмикан, деган ўйга ҳам борган эдик. Бироқ, бу тадбир муфассал ўйлаб, амалга оширилаётгани, чунончи, йўл ҳаракати қоидаларини бузаётган пиёдаларни тартибга чақириш учун янада кескин чоралар кўриш лозимлигини тушуниб етдик. Давлат автомобиль назорати хизмати ходимларининг фаолиятлари жуда серташвиш, бироқ савобли эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

**СУРАТЛАРДА: нозир қондага риоя қилишни талаб этади; юк ташийдиган машиналарнинг юриши тақиқланадиган белги қўйилганлигига қарамай шаҳримиз кўчаларида бу каби қоидабузарликларни кўплаб учратишингиз мумкин.**

**Виктор Багаев суратлари.**

* *Жасур посбон хотирасига*

## ЭРКИН МАРАИМОВ НОМИ БЕРИЛДИ

27 АВГУСТ куни эрталаб Тошкент шаҳар ИИББ Давлат автомобиль назорати бошқармаси йўл-патруль хизмати ходими, милиция кичик сержанти Эркин Мараимов хизматга кетар экан, ушбу кун унинг учун фожиали тугашини хаёлига ҳам келтирмаган эди...

Эркин Мирзо Улуғбек туманидаги Буюк Ипак йўли ва Грампластинкалар кўчалари кесишган чорраҳадаги йўл ҳаракатини бошқариш ишларини кўнгилдагидек адо этаётганди. Бироқ соат 20 лар атрофида ДАН ходими Ҳ. Абдуллаев кўчасидан Пушкин кўчаси томон ГАЗ—24 автомашинасининг катта тезликда келаётганини кўрди. Ва у қоидабузарни тўхтатишга қарор қилди. Лекин «Волга» чамбарагида ўтирган ҳайдовчи транспорт воситасини бошқара олмай ДАН ходимини уриб юборди. Тўсатдан теккан кучли зарба натижасида Э. Мараимов қарама-қарши йўналиш томонга йиқилиб, ҳаракатланаётган «Жигули» автомашинаси тагига тушди. Натижада жасур милиция ходими олган жароҳатларининг оғирлиги сабабли йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган ерда ҳаётдан кўз юмди.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг 1993 йил 9 сентябрдаги фармойиши билан Грампластинкалар кўчасига ўз хизмат вазифасини ўтаётган чоғида фожиали равишда ҳалок бўлган Давлат автомобиль назорати бошқармаси йўл-патруль хизматининг собиқ ходими Эркин Мараимов номи берилди.

**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг матбуот шўъбаси.**

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбек Давлат эстрадаси**

«ТУРКИСТОН» ЁЗГИ ТЕАТРИДА

**1, 2, 3 ОКТЯБРЬ СОАТ 18.00 ДА**

**«ХИТ-ПОП-ШЛЯГЕР»—93»**

**ҚАТНАШАДИЛАР:**

«ОЛОВ»

ЯНГИ ПОП-ФАНК ГУРУҲИ

«ЭСКИ ШАҲАР» ГУРУҲИ

**I—II АЛЬБОМДАН ЭНГ ЯХШИ ХИТЛАРИ**

«ШОФАЙЗ» РОКН-РОЛЛ БЛЮЗ ГУРУҲИ;

«НАРГИЗ-3» ШОУ БАЛЕТИ БИЛАН ЯНГИ СУПЕР-АЛЬБОМ;

«БОЛАЛАР» ГУРУҲИ.

**Буларнинг ҳаммасини энг яхши овоз ва ёритиш техникаси ёрдамида томоша қиласиз.**

ЖАМОАЛАРДАН ТАЛАБНОМАЛАР КУТАМИЗ!

**Телефонлар: 44-65-92, 44-35-91.**

**Д И Қ Қ А Т !**

**Сув қувурларида ва водопровод тармоқларида таъмирлаш-профилактика ишлари олиб борилиши ҳамда 1993 йил қиш мавсумига тайёргарлик кўриш муносабати билан**

**«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ**

**ШАҲАР ВОДОПРОВОД АБОНЕНТЛАРИГА**

**водопровод тармоқларида совуқ сув бўлмаслиги ва сув босими пасайишини**

**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

**20 сентябрь соат 9.00 дан 21 сентябрь соат 9.00 гача Сув босими пасаяди:** Собир Раҳимов, Юнусобод, Шайхонтоҳур, Чилонзор, Акмал Икромов туманларида умуман пасаяди.

**20 сентябрь соат 9.00 дан 21 сентябрь соат 21.00 гача Сув босими пасаяди:** Шайхонтоҳур тумани — Пахтакор, Даль, Фурқат, Олмазор кўчаларида ва Фарҳод тор кўчасида;

**Сув бўлмайди:** Шайхонтоҳур тумани — Навоий, Марҳамат кўчаларида, Шайхонтоҳур ва унга туташган Абай кўчаси, 4-уй, 4 «а» уйда.

**23 сентябрь соат 9.00 дан 24 сентябрь соат 9.00 гача Сув босими пасаяди:** Ҳамза, Сергели туманларида умуман пасаяди, Яккасарой туманида қисман пасаяди.

**Сув бўлмаган жойларга автомашиналарда сув етказиб берилади.**

**Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-15-95, 33-75-95, 56-60-06.**

Тоза сув - ҳар бир хонадонга!

**"УЛУҒБЕК" МУҲАНДИСЛИК МАРКАЗИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

**"АКВА" ичимлик сувини тозалаш учун қўлланиладиган фильтрлар.**
**"АКВА" юқори самарали, енгил, ихчам фильтр водопровод сувини қўрғошин, симоб, мис, кадмий, кобальт, темир, рухлардан, уларнинг бирикмасидан, радионуклидлар, дағал тузлардан, ёқимсиз ҳид ва ҳоказолардан тозалайди.**

**Бир соат ичида Сиз 20 литр экологик тоза сув оласиз!**

**ФИЛЬТРЛОВЧИ ЭЛЕМЕНТНИ 5 ЙИЛ МОБАЙНИДА АЛМАШТИРМАСДАН ИШЛАТСА БЎЛАДИ.**

Ҳақ тўлаш тартиби - турлича. Чакана нархда ва кўтарасига харид қилишингиз мумкин.

Тошкентдаги телефонлар:
76-66-72, 34-87-04, 22-06-44

Бизнинг фильтрларни Сиз Гоголь кўчаси, 38-уйда жойлашган "Электроника" дўконидан сотиб олишингиз мумкин.


**ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР**

Яккасарой туманидаги 26-ўрта мактаб томонидан **Асимов Муҳиддин Қудратиллаевич** номига берилган 017200 сонли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат бекор қилинади.

* * *

Акмал Икромов туманидаги 14-ўрта мактаб томонидан **Ҳошимова Нилуфар Эргашевна** номига берилган 102093 сонли 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бекор қилинади.

* * *

Қарши шаҳридаги ғиштли уйнинг 3-қаватидаги барча қулайликларга эга бўлган 3 хонали квартира (телефони бор) сотилади ёки Тошкент шаҳрига алмаштирилади. Телефон 64-86-29.

Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳининг йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲРИ

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳридаги 98-ўрта мактаб-интернати томонидан **Тиллаев Улуғбек** номига берилган ВУ сериядаги 018435 сонли йўқолган 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**




МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

**Тошкент оқшоми**

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет. Қоғоз бичими А—2
Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6
Буюртма Г—536. 17499 нусхада.